

Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Бу сонда:

3 -бет

АКТ СОҲАСИДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
МУЛК ҲИМОЯСИ

5 -бет

ПОЧТА СОҲАСИДА
ЯРИМ АСР

6 -бет

ЭВОЛЮЦИЯ
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ —
ОСНОВА БУДУЩЕГО ГОРОДСКОЙ
ТЕЛЕФОННОЙ СЕТИ

7 - 10 -бет

Xabar-TV

11 -бет

КАМБОДЖАДА
УЯЛИ ТЕЛЕФОН
ТАҚИҚЛАНДИ

12 -бет

КОМПЮТЕР
САВОДХОНЛИГИ

14 -бет

НАСЛИМИЗ СОҒЛОМ
БЎЛСА, КЕЛАЖАГИМИЗ
ҲАМ БАРКАМОЛ БЎЛАДИ!

1 июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Оромгоҳлар мавсумга шай



13 -бет

Интернет
ҳамкорларимиз:



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

HAFTALIK XABARLAR

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Пахтакор" футбол жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан "Пахтакор" футбол жамоаси аъзолари ва фахрийларига табрик йўллади.**

◆ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пахтакор" футбол жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда футболни ривожлантиришда алоҳида ўрнқ кўрсатган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.**

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати-га олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги" Қарори матбуотда чоп этилди.**

Қарорда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-ҳаражатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати-га олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш ва бошқа масалалар хусусида сўз юритилган.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Халқ таълими ва зирлиги билан ҳамкорликда "Омавий болалар спортини ривожлантириш — навқирон авлоднинг жисмоний ва маънавий соғломлигини шакллантиришнинг муҳим шарт" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.**

Конференция қатнашчиларининг маъруза ва нутқларида қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, мавжуд спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, спорт мураббийлари, шу жумладан, аёл мураббийларни тайёрлаш, болаларга мўлжалланган сифатли спорт анжомларини ишлаб чиқариш, шунингдек, спортни оммавий умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

◆ **Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон тарихи давлат музейида "Хоразм Маъмур академиясининг ҳақон фани ва маданияти тараққиётидаги ўрни" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

Анжуман қатнашчилари икки гуруҳга ("Хоразм Маъмур академияси олимларининг илмий мероси" ҳамда "Хоразм ва унинг Марказий Осиё маданияти ривожидagi ўрни" мавзусида) бўлинган ҳолда ўндан ортиқ маърузаларни тинглади. Савол-жавоб тарзида ўтган маъмур анжуманида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда тайёрланган "Хоразм Маъмур академияси" номли мултимедиа намоиши этилди.

○ HAY'AT YIG'ILISHIDA

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлиси Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди.

"Алском" қўшма сугурта компанияси бош директори Т.Иминов "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2005 йил 20 майдaги "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида сугурта муносабатларининг ҳолати ва уни ривожлантириш тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши ҳақида маъруза қилди.

Маърузада таъкидланишича, соҳада сугурта компаниясининг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини янада ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Компанияга "SAIPRO" консалтинг компанияси томонидан "UzBB+" тоифадаги ишончлилик рейтинг берилди. Бундай рейтингни мамлакат сугурта бозорининг фақат тўртта профессионал иштирокчиси-га қўлга киритган. Бу компаниянинг сугурта бозоридаги юқори мавқени эгаллаб бораётганидан далолатдир.

2005 йилда компания мажбурий сугурта турларини амалга ошириш

колатхоналарини очиш ва агентлик тармоғини яратиш режалаштирилган.

Компания томонидан эълон қилинган навбатдаги акциялар эмиссиясини жойлаштириш тўлиқ якунланди. Оқибатда бир эмиссия натижасида компания устав жамғармаси 3,6 мартага ошди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан биргаликда соҳа сугурта компаниясининг яқна тартибдаги бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш полисларининг мамлакат ҳудудларида сотилиши кенг йўлга қўйилди. Бу борада махсус тоифадаги полислар чиқарилиб, уларда мамлакат аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида энг паст тариф ставкалари қўлланилди.

2006 йил давомида 200 млн. сўмлик сугурта полисларининг сотилиши режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан қўшимча тарзда 50 млн. сўм миқдориди да-

100 фоизга етказиш режалаштирилган. Бугунги кунда туман марказларига маълумотларни узатиш тармоғи фақатгина "Ўзбектелеком" АКнинг "UzNET" филиали томонидан ташкил этилган, қолган операторлар эса асосан Тошкент шаҳрида ва қисман вилоят марказларида фаолият кўрсатмоқда.

Халқро маълумотлар узатиш тармоғига боғланиш "Ўзбектелеком" АКнинг техник воситалари орқали амалга ошириляпти. Халқро ахборот тармоқларига уланиш тезлиги эса 130 Мбит/снi ташкил этади.

"UzNET" филиалининг маълумотлар узатиш тармоғида Тошкент шаҳри, барча вилоят ҳамда туман марказлари ва шаҳарларда жойлашган 200дан ортиқ коммутация боғламалари мавжуд.

Хусусан, "UzNET" филиали республика миқдoда вилоят марказларига снiми 4 Мбит/сдан 6 Мбит/сгача бўлган каналлар, вилоят марказларидан туман марказларига снiми 2 Мбит/сгача бўлган каналлар орқали ташкил этилган.

"UzNET" филиали маълумотлар узатиш тармоғи орқали қўйидаги хизмат турлари кўрсатиб келинмоқда: Интернет (тўғридан-тўғри, коммутация (Dial Up) уланиш), хусусий виртуал тармоқлар (VPN), IP-телефония қарталар ор-

Имкониятлардан самарали фойдаланиляптими?

ҳуқуқини берувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензияга эга бўлди. Мазкур лицензиянинг олиниши, авваломбор, компания низоом жамғармасининг қонунчиликда белгиланган меъёрга етказилиши натижасидир. Ушбу лицензия компанияга транспорт воситалари эгаларини учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигини ҳамда объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий сугурталаш имконини бермоқда. Ҳозирда компания 31та ихтиёрий ва 2 та мажбурий сугурта турлари бўйича фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўтган вақт давомида компаниянинг сугурта фаолияти ва молиявий ҳолати сезиларли равишда яхшиланди. 2005 йил ва жорий йилнинг 1 майга қадар тузилган сугурта шартномалари сони 10209тага етди. Улардан жами 1,15 млрд. сўм миқдориди сугурта бадаллари йиғилди. Тузилган сугурта шартномалари бўйича жорий йилнинг 1 май ҳолатига жами 299та сугурта ҳодисалари рўй берганлиги тўғрисида аризалар тушди. Улар бўйича 30,6 млн. сўм миқдориди сугурта қопламалари тўлаб берилди. Компаниянинг 2005 йил фаолияти якунлари бўйича олган даромаднинг умумий миқдори 449,4 млн. сўмини ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан 157 фоизга ортди. Олинган даромаднинг 411,8 млн. сўми асосий сугурта фаолиятидан, қолган 37,57 млн. сўми инвестиция ва бошқа молиявий фаолият ҳисобига таъминланди. 2005 йилда олган соф фойда ҳажми 122,8 млн. сўмдан иборат бўлди, бу 2004 йилга нисбатан 22 фоизга кўп демакдир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида олинган даромадларнинг умумий миқдори 142,6 млн. сўмини ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 марта кўндир.

Сугурта бозоридаги эгаллаб турган сегментини янада кенгайтириш мақсадида компаниянинг ҳудудий тармоғи янада ривожлантирилди. 2005 йилда компаниянинг Қорақалпоғистон ваколатхонаси ташкил этилганди. Бугунги кунда эса еттига ваколатхона мавжуд, 2008 йилга қадар республикамизнинг барча ҳудудларида компаниянинг ва-

ромад олиниши кўзда тутилмоқда.

Соҳада сугурта муносабатларини такомиллаштиришда эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда талайгина муаммолар ҳам учрамоқда. Жумладан, соҳа корхоналарининг қўллаб фаолият йўналишлари ҳамда алоқа объектлари сугурта ҳимояси билан етарли даражада таъминланмай қолаётди. Тармоқда давлат маблағлари ва соҳа корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари сугурта компанияси томонидан сугурта ҳимояси билан таъминланмаётди. Алоқа операторлари ва интернет провайдерларининг мижозларини сугурталаш бўйича компания томонидан ишлаб чиқилган махсус сугурта дастури амалда татбиқ этилмаляпти. Соҳада ходимларни бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш, ихтиёрий тиббиёт сугуртаси, ҳаёти давомида йиғиб бориладиган сугурта ҳамда хориз сафарига чиқувчиларни тиббий харажатлардан сугурталаш каби сугурта турлари эътибордан четда қолмоқда.

Республикада маълумотлар узатиш тармоғининг ҳолати ва уни келгусида ривожлантириш истиқболлари тўғрисида "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймонов маъруза қилди.

Республика маълумотларини узатиш тармоғини бунёд этиш, даставвал юқори тезликдаги ахборот узатиш имкониятига эга бўлган оптик-толали ва радиорелейли алоқа транспорт тармоғини яратилиши Транс-Осиё-Европа оптик-толали магистрал, ОЕСФ, Тошкент-Бухоро-Олот-ТОЕ РРЛ, ЖВС ва бошқа лойиҳалар орқали амалга ошди.

Мазкур лойиҳалар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятлари туман марказларига рақамли каналларни етказиш даражаси 100 фоизга етказилди. Жорий йилнинг охиригача Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам бу даражани

қали, видеоконференция, электрон почта, веб-хостинг ва бошқалар.

Мазкур хизматлардан аҳоли, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, банк, божхона, солиқ ташкилотлари ва бошқа инфратузилмалар фойдаланиб келишляпти.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал сурьатлар билан ривожланиши жамиятнинг барча соҳаларида ушбу хизматларга талабнинг ошишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида республикада юқори тезликдаги маълумотлар узатиш тармоғини яратишни тезлаштириш заруриятини тўғдирмоқда.

Маърузада Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти туман марказларини рақамли каналлар билан 100 фоиз қамраб олишни якунлаш ва мазкур вилоятлар туман марказлари маълумотлар узатиш тармоғи қурилмаларини ишга тушириш, Тошкент-Фарғона водийси ва Тошкент-Бухоро йўналишида вилоят марказларига Ethernet технологиясида барпо этилган каналларни ишга тушириш, ҳимояланган VPN тизими хизматларини туман марказларига етказиш, VoIP тармоғини модернизациялаш йўли билан ёпиқ идора-вий IP-телефония хизматларини жорий этиш, Тошкент шаҳрида маълумотлар узатиш тармоғининг барча АТСларда жойлашган боғламаларини "ТШТТ" филиалининг мавжуд оптик-толали кабелида Gigabit Ethernet каналлар орқали "ҳалқа" топологиясида уланишини ташкил этиш каби амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар ва вазифалар таъкидланди.

Шундан сўнг "UzNET" филиали директори О.Атақўзиев филиалда амалга оширилган ишлар, келгусида қилиниши лозим бўлган юмушлар хусусида маълумот берди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хозирда дунё мамлакатлари ва халқларининг бойлиги даражаси кўп жиҳатдан илм-фан ва ахборот технологияларининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Шунинг учун интеллектуал мулк бу борада бирламчи аҳамиятга эга. АКТнинг жадал суръатларда тараққий этиши соҳада яратилаётган маҳсулотларнинг муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш масаласини ўртага қўяди.



АКТ соҳасида интеллектуал мулк ҳимояси



Мамлакатимизда мазкур йўналишда қонунчилик тизими ишлаб чиқилган. Ушбу қонунчилик тизими ва унинг амалиёти, мавжуд муаммоларни ечиш усулларини кўриб чиқиш мақсадида пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик Марказида Ахборот технологиялари соҳасидаги

интеллектуал мулк ҳимояси бўйича семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев, БМТ Тараққиёт Дастурининг "АКТ Сийсати" лойиҳаси менежери Санжар Са-

идхўжаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан депутат Абдуғаффор Мама-тов, БМТ Тараққиёт Дастуридан Шерзод Шерматов, Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш агентлигидан Алишер Ҳафизов, Республика давлат патент идорасидан Валентина Ермолаева ҳамда давлат бошқаруви вакиллари, АКТ интеллектуал мулк ҳимояси бўйича мутахассислар, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилар ва суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари иштирок этишди.

Кун тартибига қўйилган масала бўйича маърузалар янунланганидан сўнг иштирокчилар диққатига "Муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси бўйича қўлланма"нинг илк лойиҳаси тақдим этилди. Унда оммабоп кўринишда муаллифлик ҳуқуқининг келиб чиқиш тарихи, бош объекти ва ҳимоялаш механизмлари ёритиб берилган.

Семинар якунида кўрилган масалалар юзасидан ҳамда қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, ҳамкорликни ўрнатиш, маҳаллий ОАВда кўпроқ чиқишлар қилиш, махсус тарғиботлар ўтказиш, лицензияли дастурий таъминот маҳсулотларини арзонлашган нархларда харид қилиш ва, ниҳоят, бепул муқобил дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича мунозаралар бўлиб ўтди.

Италия йўлланмаси учун кураш бошланди

Бухорода компьютер ўйинлари бўйича тўртинчи Ўзбекистон чемпиони старт олди.

WCG 2006 Uzbekistan Preliminary-нинг ушбу саралаш босқичида иштирок этиш учун Бухоро шаҳри ва вилояти, Навоий, Зарафшон, Учқудук, Нукус шаҳарларидан 454 нафар геймер рўйхатдан ўтди. Улардан айримлари ёш кўрсаткичи белгиланган қоидага тўғри келмагани учун ҳакамлар томонидан мусобақадан четлатилди.

Мусобаканинг биринчи кунинда ўйинларнинг икки тури бўйича голиблар аниқланди.



StarCraft®: Brood War™ ўйинида Фирдавс Ҳасанов барча рақибларидан устун келиб, миллий финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ушбу геймер ўтган йили ҳам саралаш ўйинлари голиби бўлган ва финалда қатнашган эди.



WarCraft® III: Frozen Throne ўйинида эса Бухоро қурилиш касб-хунар коллежи талабаси Василий Немцов голиб бўлди.



Биринчи кунги баҳсда Need for Speed: Most Wanted ўйини бўйича «By bridge» трассасида 1 дақиқаю 15,6 сония вақтни қайд этган Тимур Саидов голиблик учун асосий давъогар эканлигини кўрсатганди. Турнирнинг иккинчи куниндаги баҳслардан сўнг у буни исботлади ва миллий финал йўлланмасига эга бўлди.

Half-Life™: Counter-Strike 1.6 ўйини бўйича кураш ниҳоятда қизғин тарзда кечди. Ҳал қилувчи баҳсда Навоий шаҳрининг А-320 жамоаси билан куч синанган Бухоронинг аТn.Struck жамоаси қийинчилик билан бўлса-да, голибликни қўлга киритди. Шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олган ушбу жамоа таркиби қуйидагича: Фаррух Сулаймонов, Аъзам Хўжаев, Дилмурод Мўминов, Шоҳрўх Турсунов ва Андрей Лапин.

Хуллас, Италия йўлланмаси учун кураш бошланди. Навбатдаги саралашлар Қарши, Наманган, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтади. Миллий чемпионат 30 июн кунини Тошкентда ўтказилса, WCG 2006нинг бутунжаҳон финали 18-22 октябр кунлари Италиянинг Монца шаҳрида бўлиб ўтади.

ALOQA KORXONALARIDA

"Тошкент почтамати" филиалида коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилиш ҳолати ва уларни янада такомиллаштириш чораларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Рустам Қосимов, бош директор ўринбосари Хатиратой Тожибоева ҳамда "Тошкент почтамати" филиали раҳбар ва ходимлари, пойтахтнинг барча алоқа бўлимлари бошлиқлари иштирок этишди. Йиғилишни филиал директори Юсуф Мирсоатов олиб борди.

Мижозга хизмат тўлиқ бўлсин



Кун тартибига қўйилган масала юзасидан "Тошкент почтамати" филиали директорининг биринчи ўринбосари Комилжон Алимов маъруза қилди.

Маърузада таъкидланишича, "Тошкент почтамати" филиали тизимидаги 160та алоқа бўлими ҳамда суғурта почта участкасида аҳолидан барча коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловлар қабул қилиш "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг буйруғи билан жорий этилган "Почта алоқаси объектлари томонидан аҳолидан тўловларни қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги йўриқнома асосида ташкил этилган.

Қўшимча хизматларни янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида газета ва радиоларда эълонлар берилди. Бундан ташқари, барча почта бўлимларида коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловлар қабул қилинаётганлиги ҳақида 200 мингдан ортиқ эълон варақалари тайёрланиб, аҳолига тарқатилди. Юздан ортиқ алоқа бўлимлари билнинг тизимига уланди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун катта миқдорда маблағ сарфланди ва бу ўз самарасини ўрсатди. Корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилиб, 2006 йилнинг тўрт ойида 5 723 795 минг сўм йиғилди ва даромад 125 миллион сўмни ташкил этди. Бунда ишни самарали йўлга қўйган алоқа бўлимлари бошлиқлари — Тамара Александрова, Наталья Семерикова, Дилфуза Абдурахмонова, Нафиса Каримова, Елена Пиченкова, Лариса Ермолаева ва Исмоил Раҳимовларнинг хизматлари катта бўлди.

Шу билан бирга, филиалга қарашли 11, 20, 31, 53, 72, 76, 90, 170-алоқа бўлимлари бошлиқлари яратилган шароит ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаганлиги оқибатида миллионлаб даромад қўлдан чиқарилди ва айрим почта алоқаси тармоқлари олдига қўйилган вазифалар бажарилмай қолди.

Йиғилишда шунингдек, биринчи чорак давомида филиал ходимлари айби билан келиб чиққан шикоятлар сони биттага ортгани, пул жўнатмалари бўйича битта ҳисоб реестрига йўл қўйилгани, алоқа бўлимлари ходимларининг хизмат маданияти паст даражада эканлиги, ходимлар томонидан миждозларга нисбатан қўпол муомалага йўл қўйилаётганлиги, ҳар хил баҳоналар билан тўловлар қабул қилинмаётганлиги ва бошқа қатор камчиликлар мавжудлиги таъкидланди.

Муҳокама давомида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Рустам Қосимов сўз олиб, аҳоли томонидан тўланаётган маблағ эвазига даромад олинаётган экан, миждозларга яхши муомала қилиш ва ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатиш лозим эканлигини таъкидлади.

Тадбирда "Тошкент почтамати" филиали директори ўринбосари Муҳаммадҷон Низомов, филиал мутахассиси Рита Канцур ва бошқалар ҳам сўзга чиқишди.

Шундан сўнг иштирокчилар муҳокама этилган мавзу юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

DUNYO BIR TUGMASHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ КЎМАГИ

Индонезиянинг Ява оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллга тенг бўлган зилзила рўй бериши оқибатида 5600дан ортиқ одам ҳалок бўлган. 20 мингга яқин киши жиддий жароҳатланган ҳамда 200 минг аҳоли бошпанасидан айрилган.

Айни дамда зилзила оқибатларини бартараф этишда дунёнинг 20га яқин мамлакатлари қатнашмоқда. Табиий офат рўй берган ҳудудга озиқ-овқат, дори-дармон, ичимлик суви ва вақтинчалик турар-жой барпо этиш учун зарур қурилиш воситалари етиб келмоқда.

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, зилзила марказига айланган Индонезиянинг қадимий шаҳри — Жокьярта айниқса кўп талафот кўрган. Бу шаҳарда кўлаб бинолар, аэропорт ҳамда касалхоналар вайронага айланган. Қутқарувчилар вайроналар остидан тирик қолганларни қидиришни давом эттиришмоқда. Уларга япониялик шифокорлар ва америкалик денгизчи ҳарбийлар ёрдам беришяпти. Қутқарув ишларига кўмак бериш истагини билдирган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Ўз қароргоҳини вақтинчалик Жокьяртага кўчирган Индонезия президенти Сусило Бомбанг Юдхойоно инсонпарварлик ёрдамлари энг муҳтож одамларга етказилишини ваъда берди.



ҲАРБИЙЛАРГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК

Ҳафта бошида Афғонистонда америкалик ҳарбийлар айби билан автоҳалокат содир бўлган эди. Оқибатда беш нафар афғон фуқароси ҳаётдан кўз юмди.



Ушбу воқеадан сўнг Қобул шаҳрида оммавий тартибсизликлар бошланиб кетди. Ҳазабланган аҳоли ҳарбийларга қарата тош улоқтира бошлади, ҳарбийлар эса уларни ўққа тутди. Натижада 15 киши ҳалок бўлди, юзга яқин одам оғир жароҳатланди.

"La Republica" газетасининг ёзишича, бир неча соат ичида вазиёт умуман назоратдан чиқиб, хорижий ҳарбийларга қарши кучли норозилик ҳаракати авж олган. Бир қатор халқаро ташкилотлар ва элчихоналар биноларига шикаст етказилган. Ниҳоят, шаҳарда комедантлик соати жорий этилган, мамлакат хавфсизлик кучлари тинчлик ўрнатишга эришганлар.

ТЕРРОРЧИЛАР ТАЪСИРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Пентагон Ироқда барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида АҚШнинг Кувайтдаги ҳарбийларини Ироқнинг шимолида жойлашган Анбар музофотида кўчирилишини маълум қилди.



Бунга сабаб — Пентагон вакилининг сўзларига қараганда, бу ҳудуддаги Фаллуж ва Рамади шаҳарларида террорчиларнинг маҳаллий аҳоли орасида эътибори ортиб бораётганлигидир.

Айни пайтда Ироқда 130 минг америкалик аскар хизмат ўтамоқда. Ироқ бош вазири Жавад Малик 2007 йил охирига қадар мамлакатнинг барча ҳудудларида назорат маҳаллий хавфсизлик кучлари қўлига ўтказилишини айтган.

КАШАНДАЛИК — ОФИР КУЛФАТ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ташаббуси билан 1988 йилдан буён 31 май Бутунжаҳон чекишга қарши кураш кунини деб белгиланган.

ЖССТ маълумотларига кўра, сайёраимиз аҳолисининг тахминан бир миллиарддан ортиги кашандалардир. Тамаки чекиш оқибатида келиб чиқадиган касалликлар билан ҳар йили беш миллион киши вафот этмоқда. Агар аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, 2030 йилга бориб бу рақам ўн миллионга етиши мумкин.

Чекиш кўрсаткичи энг юқори давлатлардан бири — Россиядир. Мамлакатда эркакларнинг 65, хотин-қизларнинг 40 фоизи чекишга ружу қўйган. Энг хавотирлиси, чекиш даражаси мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам баланд — ўқувчи ўғил болаларнинг 50, қиз болаларнинг 40 фоизи чекишчилардир.



ПАРЛАМЕНТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

Сешанба кунини Россия пойтахти Москва шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатларнинг парламент раҳбарлари илк бор учрашдилар.


"Президент-Отел" меҳмонхонасида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон парламентлари раҳбарлари, Умумхитой халқ вакиллари мажлиси раиси, шу билан бирга, Россия Федерал кенгаши раиси Сергей Миронов ҳамда Давлат Думаси спикери Борис Грызлов иштирок этди. Анжуманда ШХТга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий муносабатларга қонуний тус бериш, аъзо давлатларнинг халқаро терроризмга қарши курашга қаратилган қонунларини мувофиқлаштириш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Шу йилнинг 15 июнида ташкилот ўзининг беш йиллигини нишонлайди. Юбилей саммити Шанхайда бўлиб ўтади.

ГУАНТАНАМОДА ВОЯГА ЕТМАГАН МАҲБУСЛАР

Буёқ Британиянинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи *Reprieve* ташкилоти томонидан АҚШнинг Гуантанамо қамоқхонасида бодан ортиқ вояга етмаган маҳбус сақланаётганлиги аниқланган.

Гуруҳ вакилларининг айтишича, қамоқхонада 60га яқин 18 ёшга тўлмаган, ўн нафар 13-14 ёшли болалар терроризмда гумон қилиниб сақлаб келинган. Тахминларга кўра, улар ҳам катта маҳбуслар сингари сўроқ қилинган ва қийноқларга солинган. Ташкилот директори Клаив Стаффорд Смитнинг айтишича, бу Америка қонунчилиги ҳамда инсон ҳуқуқлари конвенциясига тамоман зиддир.



КУЛАЕВГА ҲУҚМ ЎҚИЛДИ

2004 йилнинг сентябрида Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳридаги мактабда амалга оширилган қўпуровчиликларда айбланаётган ва тириклай қўлга олинган ягона шахс — Нурпаши Кулаев устидан ҳукм чиқарилди.



Шимолий Осетия Олий суди Кулаевни босқинчилик, терроризм, гаровга олиш, қотиллик сингари бандлар бўйича айбдор, деб топди ва уни олий жазога ҳукм қилди. Бироқ Россияда ўлим жазосига мораторий эълон қилингани боис, олий жазо бир умрлик қамоқ билан алмаштирилди.

Террорчига нисбатан чиқарилган ҳукмдан қоникмаган қўпуровчилик қурбонларининг яқинлари ўз норозиликларини билдиришган.

ШАРҚИЙ ТИМОРДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Шарқий Тиморда ҳарбийлар ва полиция ўртасида кечаётган тўқнашувлар жиддий тус олмақда.

Можаролар ҳукумат томонидан иш ташлаш уюштирган 600 нафар ҳарбийнинг вазифасидан озод этилишидан сўнг бошланиб кетган эди. Тартибсизликлар бошлангандан буён 50га яқин одам қурбон бўлган, 30 минг нафар киши қочқинларга айланган.

TO'YXAT O'RNIDA

Яқинда Келес почта алоқаси тармоғида хайрли бир тadbир ўтказилди. Тармоқ жамоаси, барча алоқа бўлимларидан ташриф буюрган касбдошлар ва фахрийлар бу йил муборак 70 ёшини қаршилаётган, алоқа соҳасида 50 йилдан бери ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган Вера Василевна Ермишкинани кутлаш учун дастурхон атрофида тўпланишди.

Тантана аввалида табрик учун сўзга чиққан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали директори Зоҳид Қосимов ҳамда Келес почта алоқаси тармоғи бошлиғи Зиёд Тожибоев Вера Ермишкинанинг алоқа тизимидаги узоқ йиллик фаолиятини, почта соҳаси равангага қўшган муносиб ҳиссасини алоҳида эътироф этишди. Шундан сўнг унга "Фахрий ёрлик", қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

Вера Василевна Тошкент вилоятининг Келес туманида таваллуд толган. 1954-1955 йилларда Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчи, 1956 йилдан то 1961 йилга қадар Келес почта алоқаси тармоғида оддий хат ташувчи вазифасида ишлаган. 1961 йилдан ҳозирга қадар тармонинг "Шўробозор" алоқа бўлими бошлиғи вазифасида меҳнат қилиб келаётган.

— Тошкент шаҳрида почта алоқаси курсида таҳсил олганидан сўнг "Шўробозор"га ишлашга йўлланма беришди, — дейди у. — Дастлаб телефончи сифатида фаолият бошладим,

кейинчалик почта хизмати кўрсатишга ўтдим. Ишга илк келган қолғарим эса худди кечагидек ёдимда. Бир жойда узоқ вақт ишлашнинг ҳам афзал томонлари бор экан. Масалан, мен барча мижозларни биламан, улар бўлса мени жуда яхши танишади, шу сабабли бирон-бир муаммо чиқиб қолса, дарров маслаҳат сўраб олдимга келишади. Мақтанаяпти, деманг-у, тўғриси, ўзим табиатан меҳнатқашман, бекор ўтиришни ёмон кўраман. Ишга ҳам барвақт келишимни билгани учун, одамлар эрта тонгданок алоқа бўлимига ташриф буюришга одатланишган.

Келеслик алоқачилар Вера она чин маънода ўзларига устоз деб билишади. Дарҳақиқат, ибратли фаолияти билан жамоа ҳурмати-ни қозонган онахонни, агар таъбир жоиз бўлса, туман почта ти-

зимининг жонли энциклопедияси дейиш мумкин. Ахир, ярим аср инсон умрига қийинликлардан, оз муддат эмас. Шу йиллар мобайнида у қанчадан-қанча юртдошларининг оғирини енгил қилиб, уларнинг қувонч ва ташвишларини бирга ҳам кўриб келди. Соҳада юз берган муҳим ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди, амалга оширилган ишхотларда фол иштирок этиб, катта таъриба орттирди.

Юқоридаги каби таъриф-у та-

сифлар тadbирда сўзга чиққан ҳамкасблар, узоқ йиллар Вера Василевна билан бирга ишлаган алоқачи фахрийларнинг сажимий дил изҳорларида ҳам намоён бўлди.

Мирзаали МАҲАМАТОВ — пенсионер, қарийб 30 йил "Шўробозор" алоқа бўлимида почтачи бўлиб ишлаган.

— Бу инсоннинг ажойиб фазилатларини бир-икки сўз билан ифодалаш қийин. У киши-

дан кўп яхшиликлар кўрганмиш. Ишда тартибни яхши кўради, мабодо камчиликларга йўл қўйса, уни тузатишимиз учун доимо йўл-йўриқ кўрсатиб келган. Эллик йил бир жойда ишлаш, одамларнинг ишончини оқлаш, тўғриси, осон эмас. Вера Василевнанинг меҳнати эътироф этилиб, бугунги шодиёна гувоҳи бўлиб турганимдан бахтиёрман.

Аҳмаджон СОДИКОВ

Почта соҳасида ярим аср



"Шўробозор" алоқа бўлими хат ташувчиси:

— Ўн беш йилдики, Вера онанинг қўл остида меҳнат қиламан. Тўғриси, у ва меҳрибон бу инсонни жамоада барчамиз эъзозлаймиш, ўзимизга устоз деб биламиш. Алоқа бўлимида турли миллат вакилларининг худди бир оила мисоли аҳил, баҳамжихат ишлашида, аҳолига хизмат кўрсатишнинг тўғри йўлга қўйилишида, авваламбор, бошлғимизнинг ҳиссаси катта эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ёшлари улуг бўлишига қарамастан, ҳамон бизларга намуна кўрсатиб ишлаётганига барчамиз ҳавас қиламиз.

Бахтини ҳалол меҳнатдан топган Вера онага мустаҳкам соғлиқ, шоду ҳуррамлик тилаймиз.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

НАМКАСБЛАРИМИЗ



Назира БОЗОРОВА Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети)да ўзи билан бирга ўқиган дугоналари Нина, Алла, Венера, Фотима ва бошқаларни тез-тез эсга олади.

У айниқса корейс қизи Алла Ким билан жуда иноқ эди. Бирга дарс тайёрлашар, ҳордиқ кунлари ва таътил кезларида дала-дашта сайрга чиқишар эди. Халихануз бу икки дугона телефон орқали ҳафта оралаб бир-бири билан хабарлашиб тур-жаса, кўнгиллари жойига тушмайди. Алла бугунги кунда "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг 170-АТСида муҳандис-электрончи вазифасида ишлайди. Аллакачон невраасининг суюкли бувижонига айланган. Н.Бозорованинг барча курсдош дугоналари республикамиз алоқа соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келишмоқда. Шу жумладан, унинг ўзи ҳам. У ҳозирги пайтда "Бухоро Телеком" филиали техник хизмат кўрсатиш маркази узатиш ускуналари цехининг 2-тоифали муҳандиси вазифасида ишламоқда.

Дарҳақиқат, умрни оқар дарё деганларича бор экан. Назира Бозорова ҳам ҳаётининг 50-баҳорини аллақачон ортда қолдирибди. Ўтган йилнинг айнан шу кунлари эди. Унинг хонадонига узоқ-яқиндан дўсту ёрлари таваллуқининг муборак ярим асрлик тўйини қутлагани келишди. Табиийки, улар орасида бирга ўқиган дугоналари ҳам бор эди. Она ўз умрининг салмоқли доводидан ўтган бўлса-да, ҳамон ўша-ўша талабалик йилларидагидек ҳазил-шаш ва қўноқ, камсуқум ва камтарин. Бирок кўндалик юмушларида ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ўта талабчан. Бу инсоний фазилатлар Назира онада у ҳали Бухородаги 3-умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезларидаёқ шакланган бўлса, ажабмас. Мактабни тугатиб, у кўп йўлаб ўтирмади Бухоро шаҳар алоқа боғламаси (ҳозирги шаҳар телекоммуникациялар боғламаси)-

нинг 3-АТСида иш бошлаган ади.

— Раҳматли Нина Муҳитдинова менга устозлик қилган эди, — дейди Назира Бозорова. — Мен ўз талланган соҳам бўйича жуда кўп нарсаларни шу кишидан ўрганганман.

Ҳа, йиллар ўтаверади. Меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, ўз устида тинимсиз ишлаш, бой тажрибалардан унумли фойдаланиш, қолаверса, талабчан давр билан ҳамкамдам бўлиш — бўлажак ютуқлар гарови эканлигини Назира она ўз умри давомида қайта-қайта ҳис этипти. У шунга амин бўлдики, бу инсоний фазилатларсиз ҳеч ким, ҳеч қачон ўз олдига қўйган мақсадига эриша олмайди.

Эндиликда кексалик гаштини сураётган Венера Муסיнова, Ирина Абдураҳмонова сингари фахрий алоқачилар ҳам Назира онага ўз вақтида устозлик қилишган. Она уларни ҳам мамнуният билан тилга олади. Ўтган йиллар давомида у қай бир ишининг бошини тутмасин, устозлари-ю мураббийлари мададига таяниб ишни удалаган.

Бундан 30 йилча олдин Н.Бозорова Бухоро шаҳридаги 54-АТСда оддий электромонтер бўлиб ишлаганида ҳам, кейинчалик эса шаҳардаги 3-АТСда айнан шу вазифада фаолият олиб бorganида ҳам, ушбу станциянинг катта электромеҳаниги сифатида бутун куч, билим ва маҳоратини кўндалик ишга сафарбар этганида ҳам доно устозларининг назарий билимлари ва амалий йўл-йўриқлари таянди. Малакали мутахассис ва мураббийлар ортидан эргашган Назира Бозорованинг ўзи бугунги кунда ёшларга устозлик қилмоқда. Электромеханиклар — Ирина Казакова, Камол Тошев, алоқа муҳандиси Сирождидин Бо-

зоров ва бошқалар Назира онанинг содиқ шогирдларидир.

— Тошкент ахборот технологиялари университетида сирдан ўқини битирганимдан сўнг фаолиятимни "Бухоро Телеком" филиалининг техник хизмат кўрсатиш маркази узатиш ускуналари цехида

кўндалик ишдаги қулайликлари билан ажралиб туради. Чиндан ҳам бу замонавий аппаратлар ёрдамида алоқа хизматининг сифати тобора ортмоқда. Айнан шу нарса техник хизмат кўрсатиш маркази ходимларининг ишлаб чиқаришдаги ютуқларида ҳам намоён бўляпти. Япония ва

Камтарин, талабчан устоз

давом эттирганман, — дейди Назира Бозорова. — Янги иш жойи эмасми, дастлабки пайтларда қийналиб қолганим рост. Бирок, аҳил ва иноқ жамоага тушиб қолганим боис тезда ўзимни "ўнглаб" олган эдим. Бу борада менга малакали мутахассислар ёрдам беришганди. Ҳамон улар билан бамаънаҳат иш тутаман.

— Яхши билисиз, — дея сўзида давом этади суҳбатдошим. — Техник хизмат кўрсатиш марказини, шу жумладан, узатиш ускуналари цехини — алоқа хизмати кўрсатиш билан бевосита боғлиқ асбоб-ускуналарнинг юраги дейишади. Айтмоқчиманки, мазкур цехнинг барқарор ва улуксиз фаолиятсиз шаҳарлараро сўзлашувларга чиқишнинг ҳам, халқаро боғланишларнинг ҳам илоҳи йўқ.

Таъкидлаш жоизки, техник хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи Исоқ Исмоилов ҳам, шу дароҳдаги тиниб-тинчимас муҳандис ва техник ходимлар ҳам юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда билдирилган ишончини оқлаб келишмоқда.

Бундан ўн йилча олдин техник хизмат кўрсатиш марказидаги мавжуд асбоб-ускуналар асосан ҳаво линияларига боғланган бўлиб, аналог тизим асосида иш юритилар, В-3-3, В-12-3 ва К-120 русумдаги узатиш ускуналари қўлланилар эди. 1999 йилдан бошлаб алоқа узатишнинг оптик тизимига ўтишган, аникроғи, SMS-600 ускунаси ишга тушгач, хизмат сифати ва даражаси анча яхшиланди. Ҳозирги пайтда барча алоқачиларнинг энг яқин кўмакчисига айланиб қолган SMS-150, SMS-600 русумидаги янги ускуналар ўз илҳами, сифатлиги, узатиш тезлиги, бир сўз билан айтганда,

Жанубий Кореяда малака ошириб қайтган Аҳмад Бахронов, ўттиз йилдан бери соҳада ишлаб келаётган Наталья Анейчик, шунингдек, малакали муҳандис ва электромонтерлардан Йўлдош Фафуров, Мунира Абдуллаева, Мунира Тиллаева, Дилдора Мавлоновалар ўз меҳнатлари билан жамоада ҳурмат-эътибор қозонишган. Ҳикоямиз қаҳрамони Назира Бозорова мана шундай билимдон ва фидойи мутахассислар билан бир сафда меҳнат қилаётган.

Айтишларича, оиласида тинчи, роҳат-фароғати бўлган кишининг ижтимоий фойдали меҳнатдаги ютуқлари ҳам салмоқли бўлар экан. Ҳақ гап. Назира она ва Илёс акаларнинг бахтиёр хонадони бунга аниқ мисол бўла олади. Оилада икки нафар кўз-роҳат давлат тиббиёт институтида бўлажак шифокорларга сабоқ беради. Кенжатай Анна эса мактаб ўқувчиси.

...Филиалининг техник хизмат кўрсатиш маркази узатиш ускуналари залида "NEC", "Siemens", "Huawei" компанияларининг энг замонавий алоқа воситалари ва аппаратлари ёрдамида бир маромдаги иш давом этмоқда. Аҳолига алоқа хизмати кўрсатишнинг яхшилаш мақсадида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўлмали бунёдкорлик ишларида буҳоролук оддий алоқачи аёл — Назира Бозорованинг ҳам ўзи ўрни бор. Шу боис, онанинг камтарин меҳнатларини ҳар қанча улуғласак ва эъзозласак арзийди.

Аскар ИСТАМОВ
Бухоро вилояти

Тысячи абонентов положительно оценили эволюцию в технологии связи, осуществляемую филиалом «Тошкент шахар телефон тармоги» (ТШТТ). Внедрение передовых технологий и цифровизация телефонной сети города стали определяющими факторами и реальностью этого технического прогресса.

Эволюция телекоммуникаций — основа будущего городской телефонной сети

В соответствии с планом модернизации и развития телефонной сети Ташкента в течение короткого времени переклочены на электронные цифровые:

ATC-46 – ЗАТС-396
ATC-53 – ЗАТС-362
ATC-77 – ЗАТС-367
ATC-24 – ЗАТС-124
ATC-76 – ЗАТС-366
ATC-47 – ЗАТС-397
ATC-45 – ЗАТС-395
ATC-40 – ЗАТС-160
ATC-48 – ЗАТС-398
ATC-41 – ЗАТС-142
ATC-43 – ЗАТС-143
ATC-96 – ЗАТС-196
ATC-42 – ЗАТС-392
ATC-49 – ЗАТС-149

В настоящее время ведется переключение ATC-56 на ЗАТС-153.

Готовятся к переключению в III квартале текущего года ATC-29 – ЗАТС-391, ATC-67 – ЗАТС-360, ATC-72 – ЗАТС-163, ATC-74 – ЗАТС-164, ATC-75 – ЗАТС-165, ATC-78 – ЗАТС-368, ATC-79 – ЗАТС-179, ATC-90 – ЗАТС-390.

Цифровизация телефонной сети привела к бурному росту провайдеров услуг Интернет, расширению возможностей для всех без исключения операторов телекоммуникаций и владельцев корпоративных ведомственных сетей, внедрению дополнительных видов обслуживания и коренному улучшению качества предоставляемых услуг.


Филиал «Тошкент шахар телефон тармоги (ТШТТ)» акционерной компании «Узбектелеком» занимает в республике устойчивое лидирующее положение как по темпам обновления, так и спектру предоставления услуг: традиционной телефонии, передаче данных, Интернету, мультисервисных, а также возможностью их добавления и редактирования, обеспечивая передачи и прием любых видов информации.

При этом проводимые на местной телефонной сети исследования и опросы населения показывают, что до насыщения рынка услуг, которые могло бы предоставлять наше предприятие, еще довольно далеко, хотя рынок этот постоянно пополняется новыми услугами, затребованными населением и растущим бизнесом.

На сегодняшний день почти 600000 телефонных номеров фиксированной телефонной связи обслуживается городской телефонной сетью. Охват цифровыми телефонами приближается к 70 %. Только в 2005 году свыше 100000 номеров было переклочено на цифровые АТС.

Одновременно с пуском новых АТС осуществляется программное и техническое сопровождение системы расчетов с абонентами (биллинг). Кстати, расчеты за услуги связи можно осуществлять не только в кассах АТС, но и в ста почтовых отделениях, подключенных к системе биллинга ТШТТ.

В марте текущего года подписан контракт на поставку оборудования систем передачи со спектральным разделением каналов связи. Впервые в Центральной Азии на городской телефонной сети создается оптическая транспортная сеть на технологии, обладающей практически неисчерпаемыми ресурсами наращивания различных сервисных услуг, так как спектральное уплотнение (разделе-



ние) или мультиплексирование по длине световых волн позволяет передавать огромные потоки информации.

В настоящее время на АТС-362, 363, 366, 395, 396 и некоторых других предлагаются новые виды интеллектуальных услуг:

Персональный сигнал контроля вызова – вместо стандартного монотонного сигнала можно прослушать музыку, приветствие, приглашение, поздравление, а для бизнеса – возможность использования дополнительной рекламы продукции и услуг;

Одновременный вызов – позволяет звонить одновременно или последовательно на несколько номеров, включая сотовые.

ТШТТ продолжит оказание услуг междугородной и международной связи, а также Интернету по универсальным предоплаченным картам «IP-телефония + Интернет» и IP-телефонии по бескарточной системе. Звонить можно с любого телефона (подключенного к сети предприятия АК «Узбектелеком»). Картами «IP-телефония + Интернет» филиала ТШТТ можно пользоваться на всей территории Узбекистана, а не только в Ташкенте, при этом телефонный звонок с любого фиксированного телефона республики на номера доступа IP-телефонии производится бесплатно.

Филиал ТШТТ обеспечивает широкополосный и высокоскоростной доступ в Интернет по технологии ADSL, позволяющей на одной телефонной линии работать в Интернете и пользоваться телефоном одновременно. При заключении договора подключение к сети Интернет и выделение модема осуществляется бесплатно.

Для любителей компьютерных игр предоставлена возможность оттачивать свое мастерство в режиме реального времени по картам доступа к игровому и чат-серверам на сайтах gs.tshtt.uz и irc.tshtt.uz. Стоимость карты доступа составляет 5000 сумов, а играть можно в течение месяца без учета времени.

Для провайдеров Интернету, владельцев ведомственных и корпоративных се-

тей телекоммуникаций организовано «единое окно», позволяющее резко сократить время регистрации процедур, прохождения документооборота и повысить ответственность всех служб ТШТТ при подготовке ответов на запросы и выделении необходимых ресурсов для бизнес-клиентов в сфере телекоммуникации. Наши координаты — www.tshtt.uz, e-mail inform@tshtt.uz.

Одной из стратегических направлений деятельности руководства и коллектива предприятия стала концепция «доступности» и «удобства для потребителя».

Новый офис, оснащенный современ-

ВЕСТИ ИЗ ЦНТМИ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИЙ СЛОВАРЬ

При подготовке высококвалифицированных специалистов по такой быстроразвивающейся отрасли, как современные средства телекоммуникации, связи и информатизации, необходимы соответствующие термины, понятия, терминологические словари. Формированию профессионального мышления в области современной техники связи способствует разработка терминологических словарей и систем быстрого поиска необходимых терминов.

В Центре научно-технических и маркетинговых исследований Узбекского агентства связи и информатизации (ЦНТМИ) разработан электронный трехязычный (узбекский, русский, английский) терминологический словарь, состоящий из следующих разделов:

- информационные технологии;
- радиочастотный спектр и радиоэлектронные средства; почтовая связь;
- техническая эксплуатация, обслуживание и ремонт средств и систем телекоммуникаций;
- метрология в сфере связи и информатизации.

Программа обеспечивает перевод любого термина на три языка и выдает его толкование на русском или узбекском языках. С помощью встроенной поисковой системы можно легко и быстро найти необходимый термин.

Программа использует оригинальные шрифты, позволяющие учитывать особенности узбекской кириллицы.

Предусмотрено периодическое обновление и дополнение базы по мере разработки новых терминологических словарей.

Электронный терминологический словарь может найти широкое применение среди специалистов на предприятиях, в организациях телекоммуникаций и связи, в высших и средних специальных учебных заведениях республики. Электронный терминологический словарь весьма полезен и для тех, кто занимается самостоятельной языковой подготовкой, а также переводом научно-технической информации с английского и русского языков на узбекский.

Разработка и синтез современных терминологических словарей с толкованием требует эффективного использования современных достижений информационных технологий. С этой целью в ЦНТМИ создана система электронной экспертизы словарей. Программа позволяет осуществить анализ терминологических словарей по различным параметрам, таким, как количество совпадаемых терминов и их толкований по базе данных словарей, распределение терминов по алфавиту и др.

В программе реализован уникальный алгоритм сравнения больших текстов. Этот алгоритм позволяет сравнивать не только сами термины, но и их толкования, причем текст толкования может быть бесконечно большим и ограничивается только временем сравнения и аппаратными ресурсами компьютера.

*.ca	Канада	*.ru	Россия
*.ch	Швейцария	*.de	Германия
*.au	Австралия	*.ua	Украина

Агар домен номида давлатни изоҳловчи идентификатори бўлмаса, бу домен АҚШда эканлигини билдиради.


Интернет билан ишлашни асосан Internet Explorer дастури таъминлайди.

Интернетни соzлаш (настройка) тартиби


Интернетни соzлаш учун авваламбор компьютер, алоқа линияси, модем ва дастур таъминотига эга бўлиш керак. Провайдер телефон рақамларини олиш ҳамда абонентнинг қайд қилинган тақрорланмас номи (Login) ва пароли (Password)га эга бўлиши зарур. Фараз қилайлик, Ўзбекистонда Интернет хизматини кўрсатувчи провайдерлардан бири бўлган "Sarkor Telekom" орқали сиз Интернетга уланмоқчисиз.

Бунинг учун куйидаги тартибда Интернетни соzлаш керак:


1. Компютерингиздаги Windows XP амалиёт тизими таркибига кирувчи "Сетевое окружение" белгисига «сичқонча»нинг ўнг тугмасини бир марта босасиз ва куйидаги кичик ойна чиқади, ундан "Свойства"ни танлаймиз.




2. Куйидаги "Сетевые подключения" ойнаси чиқади ва ундан "Создание нового подключения"га «сичқонча»нинг чап тугмасини бир марта босамиз.



3. Куйидаги ойналар чиқади:




4. Юқоридаги ойнадаги "Далее" тугмасини босамиз ва ўзбекистон телефон коди "7"ни ўзгартирамиз ва "Далее" тугмасини босамиз. Натияжада куйидаги "Телефон и модем" ойнаси чиқади:




5. "Далее" тугмасини босганимизда куйидаги ойна фаол (актив) ойнага айланади:




6. Юқоридаги ойнадаги "Далее" тугмасини босилади ва у куйидаги кўринишга эга бўлади:




7. Юқоридаги ойнадаги "Далее" тугмасини босилади ва у куйидаги кўринишга эга бўлади:




8. Юқоридаги ойнадаги "Далее" тугмасини босамиз ва ойна куйидаги кўринишга эга бўлади:



9. Ундан "Далее" тугмасини босамиз ва ойна куйидаги кўринишга эга бўлади:



10. Ундан "Далее" тугмасини босамиз ва ойна куйидаги кўринишга эга бўлади:



(Давоми бор.)

Азизбек НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
"Эффект-молия" ўқув маркази
бош мутахассиси



1-IYUN — XALQARO BOLALARNI HIMOYA QILISH KUNI

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Ниҳоят, болажонларнинг севимли фасли кириб келди. Мактабларда сўнги кўнғироқлар жаранглаб, ёзги таътил бошланди. Алоқачилар фарзандларининг дам олишларини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг бир неча сўлим масканларида оромгоҳлар ташкил этилган. Шундай муассасалар қаторига "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалига қарашли "Алоқачи" ва "Нилуфар" болалар соғломлаштириш масканларини киритиш мумкин.



Хўш, ушбу оромгоҳлар мавсумга шайми? Буни билиш мақсадида "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали касабга уюшмаси кўмитаси раиси Асқар Абдуллаев ҳамроҳлигида мазкур масканларга йўл олди. Тошкент вилояти, Бўстонлик туманининг сўлим Сойлик қишлоғида жойлашган "Алоқачи" оромгоҳига кириб борганимизда, бу ерда сўнги тайёргарлик ишлари кетаётган экан. Худудда кўламазорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилган, дараклар тартибга келтирилиб, теварак-атрофда гулзорлар ташкил этилган.

Ётоқ бинолари таъмирланиб, болаларнинг келиб жойлашишлари учун шай қилиб кўйилган. Бу ерда амалга оширилган ишлар билан таъмишда бизга кўмаклашган оромгоҳ ходими Олимжон Ўсаров диққатимизни ошхонага қаратди. Жорий йилда ошхона кенгайтирилиб, янги жиҳозлар билан таъминланган экан. Агар авваллари болалар икки сменада овқатланишган бўлса, эндиликда 320 ўринли ошхонада барча дам олувчилар бир пайтнинг ўзида овқатлана олади. Ота-оналар билан учрашиш жойлари, спорт майдончалари, чўмилиш сув ҳавзаси, хуллас, болаларнинг мириқиб дам олишлари учун зарур бўлган барча жойлар тайёр ҳолатга келтирилган.

"Алоқачи"дан чиқиб, "Нилуфар" оромгоҳига йўл олди. Худуди бироз кичикроқ бўлса-да, ушбу масканнинг ичидан оқиб ўтаётган булоқ суви табиат манзарасига янада кўрамлиқ бағишлаб турибди. Бу жойнинг мусоффо ҳавоси эса болажонларга руҳий ва жисмоний қувват бахш этиши шубҳасиздир.

"Нилуфар" болалар соғломлаштириш муассасасида ҳам ётоқ бинолари, ошхона, табиёт ходимлари хоналари таъмирланиб, тартибга келтирилган. Бу жойга ҳам янги ошхона жиҳозлари келтирилган.

Дам олиш учун келадиган болаларимиз учун шундай шароитларни яратишда бош-қош бўлган "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали раҳбариятига миннатдорчилигимни билдираман, — деди биз билан суҳбатда Раҳматулла Қосимов. — Бу йилги мавсумда болажонларимиз таътилни мириқиб ўтказишларига ишончим комил.

"Нилуфар"да мавсумнинг ҳар босқичида алоқачиларнинг 180 нафар фарзанди дам олади. Уларнинг 120 нафари қорақалпоғистонлик болалар бўлиши кўзда тутилган.

Дам олиш масканларида ёшларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида қатор тўғараклар фаолият кўрсатади. Тури учрашув ва суҳбатлар ташкил этилади. Шунингдек, спорт ўйинлари, мусобақалар ўтказилади.

... Сойлик қишлоғидан қайтар эканмиз, барчамиз учун муҳим ва масъулиятли палла ҳисобланган ёзги соғломлаштириш мавсумига уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилатганидан кўнглимиз таскин топди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Бола пайтим эди.
Туш маҳали. Кун иссиқ. Отам пичан ўришга кетган. Мен ҳам пичан ўришда отамга ёрдам беришим керак эди. Белимга арқонни уч-тўрт марта айлантириб ўрадим.

Кенг дала. Ҳеч ким кўринмайди. Тераклар ўсиб турган канални ёқалаб юриб боряпман. Хаёлимда онамнинг гаплари: "Сув бўйидаги теракзорда кўп айланишаверма, сувда ҳар турли илонлар бўлади, чақиб олади..."

Бир пайт оёғимга ниманингдир ўрмалаётганини сездим. Хаёлимга дарҳол илонлар келди. Пастга қарашга ям кўрқиб:

— Вой-вой! Илон, илон! — деб бақирганимча кучим борича чопиб кетдим. Илон эса

оёғимга баттар қаттиқроқ ўралаётгандай туюлди. Чопачопа чарчадим, додлайвери томоғим бўғилиб қолди. Охири шилқ этиб ерга куладим...

Бир пайт кўзимни очсам,

Мен бу гапни эшитиб, сал енгил тортидим. Кейин билсам, белимга ўраб олган арқон бўшашиб, бир учи оёғимга ташган экан.

— Ўғлим-а, додлаб-бақириб, менинг ҳам юрагимни ёрвординг-ку, — деди отам. — "Кўрқанга кўша кўринади", деб шунини айтдилар. Белингдаги арқоннинг бир учи оёғинга ташган, сен уни илон деб ўйлагансан, энгашиб қарашга эса кўрқансан... Ўғил бола деган бунақа пайтларда ўзини йўқотиб қўймаслиги керак!

Мен ўшанда қаттиқ уялиб қолдим.

Муяссар АЙТИМБЕКОВА,
Нукус шаҳридаги
39-ўрта мактабнинг
9-синф ўқувчиси

АРҚОН

(Акамнинг ҳикояси)

тепамда отам турибди:

— Озод, ўғлим! Нима бўлди? Тинчликми?

— И-лон, илон — дедим мен тилим зўрга кўзгалиб. — Оёғимда ўралиб ётибди.

— Қани-қани, — деди-ю, отам секин оёғимни кўра бошлади.

Сўнг кулиб юборди. — Оёғинга арқон ўралиб қолибди-ку...



БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Бола мактабга кеч қолди ва ўқитувчининг олдига ўзини оқлаб, деди:
— Кечирасиз, соатимиз ухлаб қолибди.

— Дадажон, қилмаган иши учун болани жазолаб бўладими?
— Йўқ, албатта.
— Онам бўлсалар мени жазоламоқчилар. Дарс тайёрламаганим учун.

Она ўғлига:
— Бугун ўқитувчи сендан яна шикоят қилди.
— Қизиқ! Ахир, бугун мактабга борганим йўқ-ку!

— Ойи, қаранг, мана бу кишининг бошида сочи йўқ экан!

— Секин гапир, у эшитиб қолиши мумкин.
— Ие, хали унинг ўзи билмайдими?

— Синглинг гапиришни ўргандими?
— Э, нимасини айтасан, ҳозир уни индамасликка ўргатяпмиз.

Она қизига деди:
— Тезроқ кийина қол, мактабга кеч қоласан.
— Ойижон, хавотир олманг. Мактаб кун бўйи очик туради.

Бир ўткичи кўчада ўйнаб юрган болақайдан сўради:
— Сен неча ёшдасан?
— Бешда.
— Бўйинг соябонимдан ҳам паст экан-ку.
— Соябонингиз неча ёшда?

ГЎЗАЛ ВАТАНИМ

Кунчиқардан чиққан кундай ярқираб,
Булоқлардан оққан сувдай шарқираб,
Дунё хавасларан сенга бир қараб,
Озодсан, ободсан, гўзал Ватаним!

Мустақиллик кўёшидан нурланган,
Амударё сувларидан покланган,
Ажойиб бўстонсан гулга беланган,
Дунёларга машхур, гўзал Ватаним!

Гўзаллигинг ҳаммани тан олдирган,
Дунё халқин хайратларда қолдирган,
Оқ олтинлар унар сахий бағриндан,
Сен — саждаоҳимсан, гўзал Ватаним!

Узоқ кетсам, сени соғинадирман,
Қайда юрсам, сенга топинадирман,
Фарзандингман — сенга талпинадирман,
Сен менинг бахтимсан, гўзал Ватаним!

Раъно ҚУВОНДИКОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Кўнғирот шаҳри, 39-мактабнинг
8-синф ўқувчиси

ҲАЗИЛ ШЕЪР

Очикдир эшик,
Уй поли тешик.
Сичқонлар шодон,
Куйлайди қўшиқ.

Богда — камалак,
Учар капалак.
Кўшиққа мухлис
Мушуклар ҳалак.

Нафосат ЙЎЛДОШЕВА,
Навоий вилояти, Навбахор
туманидаги Лутфий номи
7-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси

БОБОМНИНГ НАСИҲАТИ

Яхшига яқин бўл, ёмондан йироқ,
Ҳамиша дилларга ёқиб юр чирок,
Гарчи ёқмасанг ҳам кимларга, бироқ
Аллоҳнинг назари тушган инсон бўл!

Меҳр ёғиб турсин икки кўзиндан,
Бол томсин мулоим айтган сўзиндан,
Кўёш аримасин баҳор, ёзиндан,
Аллоҳнинг назари тушган инсон бўл!

Бир куни сочингга ораласа оқ,
Орта боқиб чекма минг афсусу оқ,
Ҳаётга ҳақиқат кўзи билан боқ,
Аллоҳнинг назари тушган инсон бўл!

Нуриддин МУҲАММАД,
Наманган вилояти,
Янгиқўрган тумани, Поромон қишлоғи,
49-мактабнинг 10-синф ўқувчиси

○ HОMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

Мамлакатимизда 1999 йилдан бошлаб, болаларда ирсий касалликларнинг, улар натижасида келиб чиқувчи аклий заифликнинг олдини олиш ҳамда ҳомиланинг туғма ривожланиш нуқсонини билан туғилиш хавфини аниқлаш учун ҳомиладор аёлларни ва янги туғилган чақалоқларни тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида "Она ва бола скрининги" Давлат дастури амалга оширилиб келинмоқда.

Биз ушбу дастур доирасида олиб борилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида кенгроқ маълумот олиш мақсадида Республика скрининг марказининг генетик шифокори, Тошкент педиатрия-тиббий институтининг генетика курси ассистенти Муҳаммаджон Шукуруллаевич БОСИМОВ билан суҳбатлашдик.

— **Муҳаммаджон ака, келинг, суҳбатимизни "скрининг" атамасига изоҳ бериш билан бошласангиз?**

— "Скрининг" атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилига таржима қилсак — "оммавий саралаш" деган маънони англатади. Яъни, оммавий саралаш бу — янги туғилган чақалоқларда яширин кечувчи ирсий касалликларни ҳамда айрим ҳомиладор аёлларда туғма ривожланиш нуқсонларини олдиндан аниқлаш ва ўз вақтида керакли чора-тадбирларни қўллаш имкон беради.

— **Скрининг текширувлари қандай йўналишларда амалга оширилади?**

— Марказимиз асосан уч йўналишда иш олиб боради. Биринчиси — янги туғилган чақалоқларда туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларини аниқлаш учун оммавий скринингдан ўтказиш. Иккинчиси — туғруққача бўлган даврда ҳомиланинг нуқсонли ривожланишининг олдини олиш тадбирларини ўтказиш. Учинчиси — ирсий ва туғма касаллик билан туғилганларга ва шундай фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат бериш. Шунингдек, галактоземия ва муковидидоз касалликлари бор деб гумон қилинганларни селектив (саралаб) скрининг ҳам марказимиз фаолиятининг бир йўналишидир.

Скрининг текширувлари икки турга бўлинади. Биринчи тур (неонатал скрининг)да — туғруқхоналарда янги туғилган чақалоқлар товонидан бир неча томчи қон олиниб, махсус таҳлилдан ўтказилади. Ирсий моддалар алмашинуви касалликлари шу ушбу орқали аниқланади. Бунинг учун мuddатига етиб туғилган чақалоқлардан ҳаётининг тўртинчи-бешинчи кунини, мuddатига етмай (чала) туғилган чақалоқлардан эса ҳаётининг еттинчи-ўнтинчи кунини қон олиниши керак. Агар кўрсатилган мuddатларга амал қилинмаса, қон таҳлили ҳулосаси тўғри чиқмайди. Иккинчи тур (перенатал скрининг)да — ҳомиладор аёллар қони таҳлил қилиниб, ҳомиллада чуқур ривожланиш нуқсонлари бор-йўқлигини аниқлаш мумкин. Ушбу текширув орқали оилаларда нуқсонли фарзандлар туғилишининг олди олинади.

Ҳомиладорларда ҳомиланинг ривожланиш нуқсонини ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган текширувлар ҳам икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич текширувлари аёллар маслаҳатхонасида — ҳомилдорлиқнинг 12-ҳафтасигача яшаш манзили бўйича олиб борилади. Агар шифокор ҳомилда соғлиғига таъсир кўрсатуви омилини аниқласа, ҳомиладор аёлга скрининг марказига йўланма беради. Иккинчи босқич текширувлари скрининг марказларида — ҳомилдорлиқнинг 14–20-ҳафталарида ҳомиллада туғма ривожланиш нуқсонига олиб келувчи омиллар ёки ултраовуш текширувида ирсий (хромосома) касаллиги белгилари аниқланганда ўтказилади. Бунда ҳомиладор аёл қандаш мах-

Наслимиз соғлом бўлса, келажагимиз ҳам баркамол бўлади!

сус биокимёвий маркерлар (алфа-фетопротеин) ва хорион гонадотропиннинг миқдори аниқланади.

— **Туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларини тилга олиб ўтдингиз. Улар ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз?**


— Фенилкетонурия — ирсий касаллик бўлиб, наслдан-наслга яширин ҳолда ўтади. Ота-оналар фенилкетонурия касаллиги генини ташувчилари бўлса, бу генлар фарзандларига ўтади ва улар ушбу хасталик билан туғиладилар. Агар ота-она ўзаро қариндош бўлсалар, фарзандларининг касалликка чалиниши эҳтимоли юқори бўлади.

Фенилкетонурияга чалинган чақалоқ туғилгандан сўнг 2-3 ойгача нормал ривожланади, 3-4 ойлигидан бошлаб эса ривожланишдан орқанда қола бошлайди. Болада баъзи бир неврологик белгилар — шайтонлаш, бошини тутолмаслик, вақтида ўтирмаслик, гапирмаслик, бундан ташқари, аклий жиҳатдан заифлик кузатилади. Вақтида даволанмаса, бола бир умр ақлан заиф бўлиб қолади.

Туғма гипотиреоз касаллиги келиб чиқишининг ҳам бир қанча сабаблари бор. Касалликнинг асосий сабаби — организмда йод етишмаслигидир. Мамлакатимиз йод танқис бўлган ҳудудлар қаторига киришини ҳисобга олсак, бу касаллик хавфи жиддий эканлиги аён бўлади. Агар ҳомиладор онада қалқонсимон без касаллиги бўлса, ҳомиллада ҳар хил ўзгаришлар кузатилади. Натижада, бола туғма гипотиреоз билан туғилади. Бу хасталик ҳам ўз вақтида даволанмаса, боланинг ақлан заиф бўлиб қолишига сабаб бўлади. Касаллик вақтида аниқланиб, керакли муолажалар олиб борилса, ҳеч қандай ташвишга ўрин қолмайди.

Албатта, болалардаги туғма гипотиреознинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун аёл ҳомилдорликдан олдин, ҳомилдорлик вақтида ва бола кўкрак сuti билан эмизилаётганда суткасига 200 мкг каллий йодид («Йодид-200») қабул қилиши керак. Бу болада гипотиреоз келиб чиқишининг олдини олади.

Яна қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳам гипотиреоз омилиридан биридир. Бундай никоҳдаги ота-она касаллик генларининг ташувчиси бўлса, фарзандлари туғма гипотиреознинг оғир шакллари билан касалланиб дунёга келади.



— **Суҳбатимиз бевосита қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга келиб тақалди. Бундай никоҳлардан носоғлом фарзандлар туғилиши тиббий ёрмида исботланган, аммо...**

— Бу тиббий ёрмида оғрикли муаммолардан биридир. Қариндошлар ўртасидаги никоҳларга қарши ҳар қанча тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилишига қарамай, бундай никоҳларни тўхтатиб қолиш қийин кечмоқда.

Яқин қариндошлар "Бизнинг авлодимизда ҳеч қандай касаллик йўқ, фарзандларимизни унаштирмоқчимиз", деб келишади. Биз иложи борича уларга бундай никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берамиз. Бирок берган тавсияларимизга қарама-дан, барибир фарзандларини унаштиришади. Оилада носоғлом фарзанд туғилган эса, бунинг сабабларини қидириб қоллишади. Бундай пайтда сифатли тиббий хизмат кўрсатмаган, дея шифокорларни айблаш ҳоллари ҳам бўляпти. Йигит томон қиз тарафини ёки қиз тараф қувён томонини маълум қилади. Охир-оқибат қариндошлик ришталари узилади. Аслида эса ҳақиқий айбдор — икки қариндош ўртасидаги никоҳдир.

— **Баъзи бировлар билан суҳбат қилганимизда, фалончи фалончилар ҳам қариндош-ку, лекин уларнинг фарзандлари соғлом, дейишади.**

— Тўғри, баъзи ҳолларда бундай оилаларда ҳам соғлом фарзанд туғилади. Лекин бу жуда ҳам кам кузатилади. Бу ерда нафақат жисмоний, балки аклий соғломлиқни ҳам назарда тутиш керак. Масалан, Исроилда қариндош ва қариндош бўлмаганлар никоҳидан туғилган бир хил ёшдаги бо-

лалар ўртасида текширув ўтказилган. Уларнинг аклий ва жисмоний ривожланиши қиёсланган. Натижада, қариндошлар никоҳидан туғилган болалар кўринишдан соғлом бўлса-да, лекин аклий ва жисмоний ривожланиши қариндош бўлмаган оилаларда туғилган болаларга нисбатан 10 фоизгача орқанда эканлиги аниқланган.

— **Бунинг сабаби нимада?**

— Сабаби оддий. Маълумки, ҳар бир дунёга келган фарзанд 50 фоиз белгини — отадан, 50

да 3000га (умуман инсонда юз мингга) яқин ген бор экан. Уларнинг ҳар бири биттадан хатти-ҳаракатлар жараёнимизга жавоб беради. Хромосомаларнинг ҳаммаси кодланган, яъни қайси хромосомада қандай белги борлиги, қандай ген мавжудлиги аниқланган. Ҳаётимиз давомида 100 минг геннинг аксарияти мутацияга учраётган экан (сабаблари — ташқи муҳит, орттирилган касалликлардир) ва буларни биз уруғ ҳужайраларимиз орқали фарзандларимизга "ўтказамиз". Уларнинг ўзгариши, яъни камайиши ёки ортиши эса турли касалликларга сабаб бўлади. Хулоса қилиб айтганда, "тақдиримиз пешонамизга" эмас, балки хромосомаларга ёзилган бўлади.

— **Ирсий касалликларга бошқа, масалан, ташқи омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкинми?**

— Албатта, мутацион ўзгарувчанлик ҳам ирсий хасталикларга олиб келади. Ҳар хил мутаген омиллар, яъни зарarli таъсирлар (нурланиш, ҳавонинг глобал ифлосланиши), ижтимоий иллатлар (ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик) ҳам ирсиятга жуда салбий таъсир қилади. Ирсий ахборотнинг ўзгариши, бузилиши натижасида туғилажак болада ота-онасида бўлмаган белгилар пайдо бўлади, бу эса фарзандларнинг майиб-мажруҳ туғилишига олиб келади.

Баъзи ҳолатларда онанинг ўзидан қандайдир касалликлар (масалан, токсик бўқоқ, қандили диабет) бўлиши мумкин. Шунлар натижасида организмда ҳосил бўладиган захарлар ҳам ҳомилга салбий таъсир кўрсатади ва ирсиятни ўзгариради.

— **Суҳбатимиз сўнггида ўзбек тиббий генетикаси келажаги ҳақида мутахассис сифатидаги фикрингизни билмоқчи эдим?**

— Республикада генетика фанининг келажаги порлоқ. Сабаби — мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буюн соғлом авлодни тарбиялашга бирламчи вазифа сифатида қараб келинмоқда.

Собик Иттифок даврида бундай марказлар, генетикани ривожлантириш борасида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ҳозир барча тиббий институтларида талабаларга генетика фани ўқитилади. Бундан ташқари, Республика акушерлик-гинекологик илмий текширув институтида, Эндокринология институтида, Тошкент шаҳар ташхис маркази қошидаги "Оила ва никоҳ" марказида генетик шифокорларимиз самарали меҳнат қилмоқда.

Скрининг марказлари нафақат Тошкентда, балки республикамизнинг барча вилоят марказларида фаолият олиб бормоқда. Марказларнинг ҳаммаси энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, ташхислаш аппаратлари билан таъминланган. Шифокор-мутахассисларимиз хорижда ҳамда Ҳамдўстлик давлатларида малакаларини ошириб келмоқдалар. Мақсадимиз ягона — оғир кечадиган, даволаб бўлмайдиган касалликларнинг олдини олиш, фарзандларимизнинг ногирон бўлиб туғилишини камайитириш. Орзуимиз — ҳамма соғлом фарзанд кўрсин. Фарзандларимизнинг келажаги ҳам соғлом бўлсин. Бу — ўша оилага ҳам, жаҳонга ҳамма ҳамма фойдалидир. Бир сўз билан айтганда, наслимиз соғлом бўлса, келажагимиз ҳам баркамол бўлади.

— **Суҳбатингиз учун катта раҳмат!**

Усмоножон Йўлдошев
суҳбатлашди
uxabar@mail.ru

Sport



SHIFOBAKSH NE'MATLAR

ТУТ, ШОТУТ

Тут меваси халқ табобатида қонни тозаловчи ва уни кўпайтирувчи, иситма туширувчи, дармон бағишловчи, сийдик ҳайдовчи, ичакни мустақамловчи, юрак фаолиятини яхшиловчи восита сифатида қўлланади.

Қурилган балх ва оқ марварид тўтидан тайёрланган мураббо, шинни, сирка ва талкон тўйимли, шифобахш бўлади. Тут таңда соғлом қонни кўпайтиради. Қуруқ мияга рутубат-ҳўллик бағишлайди, бадандаги тикилмаларни очади, жигар ва талоқ ҳарсизликларини бартараф этади, бўйрак чарвасини қучли қилади, пешобни юргизиб, ични юмшатади, теридagi сувли тошма ва қизил тошмаларни кетказади. У камқон беморларга жуда фойдалидир.

Шотут эса чанқоқ босувчи, қувват бағишловчи, иштаҳа очувчидир. Ибн Сино шотут баргининг шираси билан томоқ, оғиз ва тиш касалликларини даволаган. Халқ табобатида шотут меваси чилонжийдага қўшиб қайнатилиб, дифтерия, скарлатина хасталикларидида қўлланилган. Шотут меваси ичкетар ва бош оғриғида ҳам тавсия қилинган. Пишган шотут бадандага қотган моддаларни юмшатади, қон босимини пасайтиради, сафро хилтини титиб, тарқатиб юборади, ҳалқумдаги иссиқ мижозли шишларни қайтаради. Шотут сувига ғарғара қилинса, чайилиса, оғиз бўшлиғидagi яралар, оғиз қизishi ва тошмалари, ҳалқум ва тил шишлари тузалади.

Фойдали маслаҳатлар:

Бир ошқошиқ майдаланган тут барғи 250 мл. қайноқ сувда икки соат дамлаб қўйлади ва сузилади. Дамламадан кунига тўрт маҳал 50 мл.дан ичилса, иситмани туширади.

Тут елими билан чайилса, тиш оғриғи босилади ва суртилса, шишлар қайтади. Суртма дори тайёрлаш учун майдаланган тут тўстлогини 1:5 нисбатда ўсимлик мойида ўн кун сақлаб, сузиб олинади. Ажратма мойидан яралаган ва лат еган жойни даволашда қўлланилади.

35 гр. тут томири ёки баргини 400 гр. сувда 10-15 дақиқа паст оловда қайнатиб, ўша сувни кун бўйи оз-оздан ичилса, қорин ва ичкадаги қуртларни ҳайдайди.

Икки ошқошиқ майдаланган оқ тут меваси 250 мл. қайноқ сувда тўрт соат дамланади ва сузилади. Дамламадан кунига тўрт маҳал 50 мл.дан овқатдан олдин илиқ холда ичилса, терлатади, шамоллашда, бронхитда ёрдам беради.

Шотут барғи дамламаси, меваси ва мевасининг шираси ичкалар яллиғланиши, иссиқ ва қонли ич кетишларга шифо бўлади.

Эслатмалар:

Қандли-диабет ва қон босими юқори бўлган беморларга ширин тутни кўп истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Ширин тут мевасини меъёридан ортиқча ейиш ошқозонга салбий таъсир кўрсатишини унутманг.

Шотут мевасини меъёрсиз ейиш асаб, ўпка ва бошқа кўкрак ости аъзолари учун зарарлидир.

ЯПОНИЯ – ЧЕМПИОН!

Тошкентда ўтказилган футзал бўйича Осиё чемпионатида Япония терма жамоаси финалда Ўзбекистон терма жамоасини 5:1 ҳисобида мағлуб этиб, Осиё чемпиони бўлди.

Ўйинда ишқибозлар терма жамоани доимий равишда қўллаб-қувватлаб туришди. Уларнинг наздида терма жамоамизнинг Осиё чемпиони бўлиши учун бундан яхши имконият йўқ эди. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Биринчидан, терма жамоамиз ўз уйида ўйнаётган эди. Иккинчидан, вакилларимиз Эрон термасига рўбарў келишмаганди. Ушбу икки сабаб чемпионликни қўлга киритиш учун камида 50 фоизлик имкониятни тақдим этганди. Қолган 50 фоизлик вазифанинг бажарилиши терма жамоа мураббийлари ва

футболчиларига боғлиқ бўлиб қолганди.

Муҳлисларимизнинг Эрон терма жамоасидан хавфсирашларига асослар етарли эди. Улар Осиёда қанча мусобақа ўтказилган бўлса, барчасида ғалаба қозониб келган. Ушбу анъана айнан Ўзбекистонда бузилди. Ярим финалда эронликларни японлар тўхтатиб қолишди. Ўйинда Япония терма жамоаси устун эди, деб бўлмайди. Учрашувда эронликлар ташаббускор футбол намойиш этаётган эди. Бироқ уларнинг дарвозабони майдондан четлатилгач, сон жиҳатдан устун бўлиб олган Япония терма жамоаси вазиятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Охир-оқибат Сержун Сапо шоғирдлари 5:1 ҳисобида Эрон термасини таслим қилди.

Қуръа натижаларининг бизга анча омадли келгани терма жамоамизнинг деярли қийинчиликсиз финалгача келишини таъминлади. Финал учрашувини ҳам вакилларимиз яхши бошлашди. Ҳужумлар уюштиришда ҳам терма жамоамиз аъзолари устунликка эришди. Японлар эса, Эронга қарши ўйин-

даги каби, қарши ҳужумга таяниб ҳаракат қилишди ва бу сафар ҳам уларнинг тактикаси қўл келди. Икки бор қарши ҳужумдан унумли фойдаланган кунчиқар мамлакат вакиллари ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Шундан сўнг Ўзбекистон терма жамоасининг мураббийлар штаби дарвозабонни вақти-вақти билан майдондан олиб, унинг ўрнига бешинчи ўйинчини туширди. Бу билан улар ҳужумни кучайтириб, вазиятни ўнглашни режалаштиришганди. Аммо айнан шу нарса ўйинда йирик ҳисобдаги мағлубият қайд этилишига сабаб бўлди. Япониялик футболчилар бўш қолган дарвозани уч бор ишғол қилдилар.

Умуман олганда, футболчиларимизнинг кумуш медални қўлга киритишлари ҳам ёмон натижа эмас. Ёш футболчилардан таркиб топган терма жамоамиз келгусида кўнглидагидек тайёргарлик олиб борса, натижа бундан ҳам яхши бўлиши мумкин. Насиб қилса, келгуси йили Япония майдонларида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида омад албатта бизга қулиб боқади.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Германияда ўтадиган Жаҳон чемпионатининг бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Унда иштирок этувчи баъзи жамоалар ўртоқлик учрашувларини ўтказишди.

Англия – Венгрия – 3:1 (0:0)

Голлар: Жеррад, 47 – 1:0, Терри, 51 – 2:0, Дардаи, 55 – 2:1, Крауч, 84 – 3:1.

Польша – Колумбия – 1:2 (0:1)

Голлар: Мурило, 20 – 0:1, Мартинес, 63 – 0:2, Елен, 90 – 1:2. Ушбу ўйинда Колумбия дарвозабони Мартинес фантастик гол соҳиби бўлди. Унинг ўз дарвозаси олдида берган зарбаси тўғри бориб рақиблар дарвозасидан жой олди.

Чехия – Коста-Рика – 1:0 (0:0)

Гол: Локвенц, 82.

Аргентина – Ангола – 2:0 (2:0)

Голлар: Родригес, 28 – 1:0, Сорин, 36 – 2:0.

Ливия – Уругвай – 1:2 (0:2)

Голлар: Винери, 15 – 0:1, Абреу, 34 – 0:2, Эл-Таиб, 62 – 1:2.

Тунис – Беларус – 3:0 (1:0)

Голлар: Намуши, 35 – 1:0, Сантос, 48 – 2:0, Жомая, 90 – 3:0.

Чили – Кот-д'Ивуар – 1:1 (0:0)

Голлар: Диндан, 72 – 0:1, Суасо, 77 – 1:1.

Германия – Япония – 2:2 (0:0)

Голлар: Клозе, 76; Швайнштайгер, 80 – Такахара, 57, 65.

АНДРЕЙ ШЕВЧЕНКО “ЧЕЛСИ”ДА

Англия чемпиони – Лондоннинг “Челси” жамоаси узоқ уринишлардан сўнг, “Милан”нинг голеадор ўйинчиси, украиналик Андрей Шевченкони “қўлга киритди”. Шартнома тўрт йилга тузилди.

Лондонликлар шартноманинг аниқ суммасини эълон қилишганича йўқ. Бироқ баъзи манбаларда келтирилишича, украиналик ҳужумчи “Челси”га 50 миллион доллардан қимматга тушган.

Ўйинчининг ўзи Премьер-лигада ўйнаш имконига эга бўлганидан хурсандлигини билдирган бўлса, “Челси” бош мураббийи Жозе Моуринио Шевченкoning мураббога келиб қўшилиши катта ютук эканлигини таъкидлаган.

Андрей Шевченко “Милан” клуби тарихида энг кўп гол урган иккинчи ҳужумчи бўлиб қолди. У “Милан” рақиблари дарвозасига 173та тўп киритган. Украиналик футболчи, шунингдек, Европа Чемпионлар лигаси тўпурақлари орасида ҳам пешқадамлик қилиб келяпти: унинг ҳисобига 52 гол ёзилган.



Таҳририятга келган қўёзма ва суратлар эгаларига қайтарилаёми.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлигини мумкин. Наҳририятдан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорий материал – 0.
Реклама матнларининг тўғрелигига таҳририят жавобгар эмас.
Рақам ва далавларини ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъуладир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Манзилимиз: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-ўй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва сақланади.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

854-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 4 босма табоқ.
Алаҳи: 8513 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:
А.БҮРНИЕВ.

Матн терувчи:
Д.МАТҚУРБОНОВА.

Боснига топширилади – 20.00. Боснига топширилиши вақти – 20.00.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ


ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир урибосари)
Бахтиёр КҮЗБЕВ
Шомаъсур ОБИДУҲҲАЕВ
Шировак САҒИЙЛОВ
Рашидбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асадожон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Солиджон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Жамоатчи мухбирларимиз:	Андижонда 46-47-80	Бухорода 226-22-14	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-26-96	Навоийда 222-56-30	Наманганда 226-61-85	Нукусда 222-14-63	Самарқандда 34-06-71	Термизда 224-06-12	Тошкентда 133-36-48	Урганчда 226-43-13	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 23-04-89
-------------------------	--------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	------------------

txabar@mail.uz

● SIZ KUTGAN UCHRASHUV



Хонанданинг улкан орзуси

— Анвар, сиз нега айнан хонандаликни танлагансиз? Бунга оилангиздаги муҳит сабаб бўлганми?

— Авваломбор, бу нарсани тақдирдан деб биламан. Тўғри, оиладаги муҳит ҳам инсоннинг шаклланишида асосий рол ўйнайди. Собир бобомнинг санъатга иштиёқи баланд бўлган экан. У хон саройида дутор чалиб, машшоқлик қилганлиги ҳақида бувиждан эшитганман. Бобомдан кейин санъатга бўлачқа меҳр қўйган инсон — акам Оғабек бўлади. Мен ҳам ушбу йўлдан кетдим. Санъатдаги илк қадамимни доира чалишдан бошлаганман. Кейинчалик Комилжон Отаниёзов номидаги болалар мусика мактабида, сўнгра Урганч шаҳридаги Малосуф Харратов номидаги мусика билим йўртининг аънаваний ижрочилик бўлимида таҳсил олиш ва тажриба талаб қилинади.

— Оғабек мумтоз йўналишда қуйласа, сиз поп услубида ижод қиласиз. Нега ақангизнинг ортидан эргашмагансиз?

— Бунинг, албатта, ўзига хос сабаблари бор. Акам ижод қилаётган услуб ниҳоятда мукаммал. Бу йўналишда қуйлаш учун санъаткордан анчагина билим ва тажриба талаб қилинади.

— Бу билан мумтоз йўналишда қуйлай олмайман, демоқчимисиз?

— Асло. Бундай демоқчимасман. Мен ҳам бу йўналишда қуйлашга ҳаракат қилганман, ўрганганман. Келажакда мухлисларимга мумтоз қўшиқлар тўхфа этиш ниятим ҳам йўқ эмас. Ҳозирча мазкур йўналишда эфирда қуйламаган бўлсам ҳам, халқ хизматида қўлимдан келганча тор билан хонинг қилиб келаяман. Хоразм қўшиқчилик санъатида ҳофизни торсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки, хонанда хоҳ эстрада йўналишида, хоҳ миллий услубда ижод қилсин, у албатта бирорта мусика асбобини чалиб, маромига еткази олиши шарт.

— Болалигингизда қандай бўлгансиз?

— Ниҳоятда шўх бўлганман. Дўстларим билан бир ерга йиғилсак, уларга қизиқарли латифалар, воқеаларни айтиб берадим. Ҳозир ҳам шундайман. Лекин негадир қўлчилик мени сахнада қўриб, ўта жиддий ва димоғдор деб ўйлайди. Тўғри, сахнада ўзимни жиддий тутишга ҳаракат қиламан, бироқ ҳаётда сира ундай эмасман.

— Бизга маълум бўлишича, сиз администратор ва продюсерлар билан ҳамкорлик қилмас экансиз. Бу ижодкор учун қийин эмасми?

— Тўғри, аввал улар билан боғлиқ барча ишларни ўзим қилардим. Яқиндан бошлаб администратор

Маъруф Гадоев билан ҳамкорлик қилаямиз. Продюсерга эса ҳожат йўқ, барча сарф-харажатларимга маблағ етарли. Продюсер сизни молиявий томондан таъминладими, қайси жихатдандир унга тобе бўлиб қоласиз. Мен бировларнинг буйруғи билан ишлашни ёқтирмайман.

— Санъат оламида қимларга ҳавас қиласиз, кимга ўхшашни хоҳлайсиз?

— Мен учун битта идеал инсон бор. У ҳам бўлса — машҳур турк хонандаси Иброҳим Тотлиас. Мен ҳам шу инсондек жаҳон қўшиқчилик санъати оламида ўз ўрнимни топишни истайман.

— Турк қўшиқларига ихлосингиз жуда баланд экан-да?

— Менга нафақат турк, балки озарбайжон, ҳинд ва бутун Шарқ қўшиқлари ёқади! Чунки, уларда инсон қалбини туб-тубигача сеҳрлайдиган жозиба бор.

— Шарқ санъатини шунчалик севақансиз, нега бошқа тилда қуйлаган қўшиқчингизни эшитмагансиз?

— Бир-икки марта қуйлаганман, лекин асосан ўзбек тилида қўшиқ айтаман. Ҳақиқий санъат тил билан чегараланмайди.

— Катта сахнага чиққанингизга беш йилдан ошиб қолди. Ҳозиргача бўлган ижодингиздан кўнглингиз тўладими?

— Йўқ. Менимча, хонанданинг «ижодимдан кўнглим тўлди», дегани, бу — ижод тўхтади, дегандай эшитилади. Хонанда қачонки ўз ижодида танқидий кўз билан қараб, тинимсиз изланса, у янада юқори поғоналарни забт этиб бораверади.

— Яққохон концерт дастурингизни ўтган йили мухлисларингизга тақдим этдингиз... Кеч эмасми?

— Йўқ. Сабаби — мухлислар олдида бир ўзим концерт беришга хали тўла тайёр эмасдим. Йиллар давомида янги қўшиқлар яратиб, ўзимни тайёрлаб бордим.

— Утган йил Боку шаҳрида бўлган экансиз. Санъатсевар озарлар сизнинг ижодингизни қандай кутиб олишди?

— Озарбайжонда бўлганимда Хоразм фольклори йўналишидаги қўшиқларимни боқуликларга тақдим қилдим. Бошлаганимдан то тугатганимга қадар қардошларимиз қарсак чалиб, мени олқишлаб туришди. Концертдан сўнг суҳбат чоғида улар «Худди театр томоша қилгандек, мириқиб дам олдик», дея таъкидлашди. Ваҳоланки, биз театр қўймадик, оддий Хоразм либосларида қўшиқ қуйладик. Бундан кўриниб турибдики, бизнинг жаҳонга жар солгулик санъатимиз бор. Биз — ўзбек санъаткорлари уни янада ривожланти-

Дастлаб ўзининг «Воҳ-а, воҳ-а», бироз вақт ўтгач «Роталла», кейинчалик замонавий йўналишдаги «Сени севдим» каби бир қатор қўшиқлари билан мухлислар қалбидан жой олган хонанда Анвар СОБИРОВ айни дамда актёрлик борасида ҳам ўзини синаб кўряпти. Қуйида хонанда билан суҳбатни ўқийсиз.

риб, дунёга кўз-кўз қилсак арзийди!

— Назаримда, поп йўналишидан кўра, хоразмча қўшиқларингиз мухлисларга кўпроқ манзур бўлаётганди...

— Хоразмча фольклор услубида ижод қилишни ҳали ҳам давом эттирялганман. Зеро, ўзини ҳақиқий қўшиқчи ҳисоблаган киши бир нуқтада қотиб қолмаслиги, доимо янгиликка интилиб, турли йўналишда ўзини синаб кўрмоғи лозим. Менимча, «Гўзаллик», «Сени севдим» каби композицияларим ҳам мухлисларга маъқул бўлди.

— Санъатдан ташқари яна нима-ларга қизиқасиз?

— Кўнгилолар кўрсатувларни, қизиқарли фильмларни томоша қилишни яхши кўраман. Афсуски, иш билан овера бўлиб, дам олишга деярли вақт ажрата олмайман.

— Яқинда экранга чиққан «Беғона баҳор» фильми орқали ўзингизнинг яхши бир қиррагингни намойиш этдингиз? Бу сизнинг ташаббусингиз билан амалга ошдими?

— Қайсидир жиҳатим режиссёрга маъқул бўлган шекилли, мени ушбу фильмга чақиришди. Лекин актёрлик ҳам менинг болаликдаги орузларимдан бири эди. Фильм сценарийсини ўқиб кўргач, бош қаҳрамон образини талқин этишга рози бўлдим. Имкон қадар бош қаҳрамон — Санжарнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилдим.

— Актёрликдаги илк феолиятингизни салбий қаҳрамонни ижро этишдан бошлагингиз. Ахир, аксарият актёрлар кўпинча салбий образни четлаб ўтишади-ку!..

— Ушбу фильмда хотинини ноҳақ айблаб, унга озор берган йигит образини талқин қилдим. Тўй-ҳашамларда бўлганимда, фильمنى томоша қилган мухлислар, «Анваржон, сизни яхши йигит деб билардик, сизнинг бунақа одатингиз борлигини билмаган экансиз», деб мендан ўқийшди. Тўғриси, буни эшитиб, хурсанд бўлдим. Ахир менинг илк дебютиим муваффақиятли чиқибдики, улар шундай дейишпти. Шу ерда уларга айтмоқчиманки, азиз мухлислар, кино билан ҳаётни аралаштирмай! Сиз билган Анвар фильмдаги Санжарга умуман ўхшамайди.

— Яна фильмларда ўйнаш ниятингиз бордир?

— Албатта, ўзимни янги-янги фильмларда синаб кўрмоқчиман. Шу ниятда, насиб қилса, бу йил Тошкент давлат санъат институтига ҳужжат топшириб, энди профессионал актёрликдан ҳам сабоқ олмақчиман.

Комилжон ҲАСАНОВ
суҳбатлашди

● FILATELISTLAR BURCHAGI

1999 йилда ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

“Ўзбекистон хайвонот дунёси. Судралиб юрвчилар” почта маркалари туркуми. 1999 йил, 22 июн.

Рассом А.АГАХАНИЯҶ

Ўзбекистон хайвонот дунёсида судралиб юрвчиларнинг кўп сонли гуруҳи мавжуд. Бу турларнинг кўпи “Кизил китоб”га киритилган ва кўриқхоналарда муҳофаза қилинади. “Судралиб юрвчилар” почта маркалари туркуми етти та марка, битта блокдан иборат. Маркаларда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи судралиб юрвчиларнинг ноёб турлари тасвирланган. Судралиб юрвчилар номи латин тилида берилган.

Маркалар бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Маркалар ўлчами 30x42 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан.



205, 206, 207, 208, 209, 211-рақамли маркалар олти та маркадан иборат кичик варақ кўринишида босилган. Кичик варақ хошиясида маҳаллий табиат тасвири берилган.



210-марка алоҳида босилган. Варақда 50 та марка бор.



212. “Судралиб юрвчилар” почта блоки.

Блоқда умумий расм — судралиб юрвчиларнинг тасвири. Блокнинг пастки қисмида ўзбек тилида қуйидаги ёзув берилган: “Ўзбекистон хайвонот дунёси (Судралиб юрвчилар)”. Блок ўлчами 70x90 мм. Блоқдаги марка ўлчами 30x42 мм. Адади 10,0 минг нусха.

Табриклаймиз!

“Фаргона Телеком” филиали жамоаси муборак 60 ёшини нишонлаётган Аҳмаджон АБДУЛЛАЕВ, Ҳамиджон МАМАТҚОДИРОВларни, таваллуд кунларига ярим аср тўлаётган Мая ЯКУБОВА, Қодиржон РЎЗМАТОВларни, шунингдек, Қувасой телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Ҳамиджон БИБАРСОВни туғилган кунини билан самимий табриклайди. Уларга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонларига тинчлик-осойишталик, ишларида катта муваффақиятлар тилайди.